

ҒҮЗА ПАРВАРИШИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АЙРИМ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Рузиева М.Б

*Гидрометеорология хизмати агентлиги, Ер усти сувлари ифлосланиши
мониторинги булими лабораторияси I тоифали мухандиси*

Наурузбаева Г.Т

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, иқтисодий ва ижтимоий
география кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Маколада ғўза ўсимлиги ҳакида маълумотлар берилган. Маълумотлар илмий изланишлар натижасида олинган холосалар асосида келтирилган. Ғўзанинг вегетация даври ва республикамизни кайси вилоятига қандай нав туғри келишии атаб ўтилган.

Калит сузлар: ғўза, тупрок, усимлик, вегетация, сизот сув, нав

КРАТКАЯ ИНФОРМАЦИЯ О НЕКОТОРЫХ АГРОТЕХНИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЯХ, ПРОВОДИМЫХ В ХЛОПКОВОДСТВЕ

Рузиева М.Б.

*Агентство гидрометеорологической службы, инженер-лаборант
I класса отдела мониторинга загрязнения поверхностных вод*

Наурузбаева Г.Т

*Каракалпакский государственный университет имени Бердака, старший
преподаватель кафедры экономической и социальной географии*

Аннотация: В статье приведены материалы о растении хлопчатника. Информация основана на выводах, полученных результатов научных исследований. Отмечены вегетационный период хлопчатника и приведены сорта, которые подходящий для каждого вилоята республики.

Ключевые слова: Хлопчатник, почва, растение, вегетация, грунтовые воды, сорт

**BRIEF INFORMATION ON SOME AGROTECHNICAL EVENTS HELD IN
COTTON FARMING**

Ruzieva M.B

*Hydrometeorological Service Agency, surface water pollution monitoring department
laboratory engineer 1st class*

Nauruzbaeva G.T

*Karakalpak State University named after Berdak, senior lecturer of the Department of
Economic and Social Geography*

Annotation: *The article provides materials about the cotton plant. Based on the findings, the results of scientific research were obtained. The growing season of cotton is noted and varieties that are suitable for each viloyat republic are given.*

Key words: *Cotton. Soil. Plants. Vegetation. Ground water. variety*

Ғўза иссиқ севар ва тупроқ намлигига ўзига хос талабчан бўлгани учун уни универсал техник ўсимликлар қаторига киритилган. Бутун дунё бўйича барча мамлакатларнинг иқтисодий сектори бўйича пахтани етиштириш самарадорлиги юқори эканлиги исботланган. Ғўза ўсимлиги парвариш қилишни хуш кўради. Юзага келган об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларга талабидан келиб чиқсан ҳолатда таъминлаш билан бир қаторда қўшимча унинг парваришлаш ва турғун ҳосил етиштириш учун турли агротехник тадбирлар ишлаб чиқилган. Қисқача тадбирлар билан ташиштириб ўтишни лозим деб топдик ва улар қуидагилар;

Биринчи ишлов. Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов сифатли ўқказилса, тупроқ майин, донадор ҳолатга келади. Тупроқдаги намлик узоқ вақт сақланиб, заарали тузлар юқорига кўтарилади, даланинг бегона ўтлар билан заарланиши камаяди.

Сизот сувлар яқин, тупроқ намлиги юқори худудларда, механик тарки-би оғир тупроқли тоғолди минтақаларда униб чиқсан ниҳолларнинг ўсиб-ривожланишини тезлаштириш учун культивацияни иложи борича эрта бошлаш ортиқча намни йўқотиш имконини беради.

Культивация билан бирга эгат олинса, намлик тезроқ кўтарилади, илдиз чиришининг олди олинади.

Ғўза қатор орасига биринчи ишлов бериш, ғўза ниҳоллари 75-80 фоиз униб чиқиб, қатори кўрингандан сўнг бошланади. Биринчи культивацияда тупроқса сифатли ишлов берилса, униб чиқмаган 20-25% ниҳоллар тезлик билан униб чиқади. Тупроқ майин, донадор бўлиб, ўсим-лик илдизи яхши ривожланади. Бу эса, ўз навбатида, гоммоз, илдиз чи-риш қасалликларининг олдини олиб, гўзанинг дурқун ўсиб ривожланиши-ни таъминлайди.

Яганалаш-ҳосилдорлик гарови. Чигит тўлиқ ундириб олингандан сўнг далаларнинг тупроқ шароити ва ғўза навига қараб яганалашга киришилади.

Яганалашнинг энг мақбул муддати ғўза ниҳоллари 1-2 чинбарг чиқарган муддатда якунлашдир. Ушбу муҳим тадбир 3-5 кун кечиктириб ўтказилса, ҳосилдорлик гектарига 2-3, 4-5 чинбарг чиқарганда тутатилса, 4-5 центнергача камаяди. Яганалаш сифатсиз ўтказилганда кўчат қалин бўлиб қолади, ғўзанинг сув, озуқадан фойдаланиш коэффиценти қисқариб, ҳосилдорлик 15-20 фоиз камаяди [2]. Яганани узоги билан 6-8 куни муддатда якунлаш лозим. Бунда, нимжон, ҳашаротлар ёки касалликлар билан зарарланган, ривожланиши суст бўлган ниҳоллар олиб ташланиб, фақат соғлом ниҳоллар қолдирилади. Кўчат қалинлиги яганалашдан 7-8 кундан сўнг яна бир бор текширилиб, қалин ёки кеч униб чиқсан ниҳоллар олиб ташланиб, тўлиқ ва текис кўчат қалин-лиги ҳосил килинади. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах ви-лояларининг унумдор тупроқларида «С-6524», «С-6541» ва «Ан-Боёвут-2», «Наврўз», «Пахтакор-1» ғўза навлари 90 см.ли қатор ораларига экилиб, гектарига 90 минг туп кўчат ҳосил қилиш учун 1 погонометрда 7-8, қатор ора-си 60 см. да 5-6 туп ниҳол қолдири-лиши керак. Ушбу навлар ўртача унумдор тупроқларда 90 см. қатор оралиғида экил-ганда, гектарига 100 минг туп кўчат ҳосил қилиш учун 1 погонометрда 8-9, қатор ораси 60 см.да 6-7 туп ниҳол қолдирилади. Унумдорлиги паст, қумли, тош-шағалли тупроқларга экил-ганда эса гектарига 110-120 минг кўчат ҳосил қилиш учун 1 погонометрда 10-11 туп, қатор ораси 60 см. да 7-8 туп кўчат қолдирилади. Самарқанд, Навоий ва Бухоро ви-лоялари шароитида унумдор тупроқларда «Ан-Боёвут-2», «Омад», «Султон» навлари гектарига 100-110 минг, «Бу-хоро-102», «Бухоро-8» навлари 90-100 минг (1 м.да тегишлича 90 см. 9-10 ва 8-9, 60 см. 6-7 ва 5,5-6 туп) туп кўчат қолдирилади [1].

Унумдорлиги ўртача тупроқларда «Ан-Боёвут-2», «Омад», «Султон» навлари гектарига 100-110 минг, «Бухо-ро-102» ва «Вухоро-8» навлари гекта-рига 90-100 минг (1 м.да тегишлича 90 см. 9-10 ва 8-9 туп, 60 см. 6-7 ва 5,5-6 туп) туп кўчат қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Унумдорлиги паст май-донларда «Ан-боёвут-2», «Омад», «Сул-тон» навлари гектарига 110-120 минг, «Бухоро-102» ва «Бухоро-8» навлари 100-110 минг (1 м.да тегишлича 90 см. 10-11 ва 9-10 туп, 60 см. 7-8 ва 6-7 туп) туп кўчат қолдириш тавсия этилади. Бухоро вилоятида «Бухоро-6», «Бу-хоро-8» ва «Бухоро-102» ғўза навла-рини яганалашни унумдорлиги юқори, механик таркиби оғир тупроқларда 100-110, унумдорлиги ва механик таркиби ўртача тупроқларда 110-120, унумдорлиги паст, механик таркиби енгил тупроқларда гектарига 120-130 минг кўчат қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Андижон, Намангандан Фарғона вилоятларида ғўза навларини яганалашда, асосан учта омилга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади: навнинг биологик хусусияти, тупроқ унумдорлиги ва иқлимий шароити. Бунда унумдорлиги юқори бўлган тупроқларда «С-6524», «Наманганд-77», «Наманганд-34», «Андижон-35», «Андижон-36» ва «Андижон-37» гўза навларида гектарига 90-100 минг туп, «Султон» навида 90 минг туп (қатор ораси 90 см. 1 м. да 8-9, 60 см. 6-7 туп), ўртача унумдор

тупрокларда гектарига 100-110 минг (қатор ораси 90 см. 1 м. да 9-10, 60 см. да 6-7 туп) «Султон» нави учун 90-100 минг туп (қатор ораси 90 см. 1 м. да 8-9, қатор ораси 60 см. бўлганда 5-6 туп), унумдорлиги паст тупроклар-да эса гектарига 110-120 минг (қатор ораси 90 см. бўлганда 10-11, 60 см. 7-8) туп кўчат қолдирилади. Шунинг-дек, ер ости сув сатҳи юза жойлашган тупрокларда гектарига 110-120 минг кўчат қолдириб, қатор ораси 90 см. 1 метрда 10-11, 60 см. да 7-8 туп кўчат қолдирилади. Чигит пленка остига экилган майдонларда навиинг морфо биологик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда оддий ҳолатда экилган бўлса, гектарига 100-110, агар қўшқатор экил-ган бўлса, 140-150 минг туп қолдириш тавсия этилади.

Қашқадаре вилоятининг асосий майдонларига экилган «Бухоро-6» ва «Бу-хоро-8» ғўза навларининг шохланишини инобатга олиб, тупроқ унумдорли-ги паст майдонларда гектарига 110-120, унумдорлиги ўртача бўлган чўл, яrim чўл ва дашт худудларида 100-105 минг туп кўчат қолдирилади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида «Наманган-77», «Бухоро-102», «Бешқаҳрамон» ва «Султон» навлари экилган майдонларда қатор ораси 90 см. бўлганда 1 погонометрда «Намай-ган-77» ва «Бешқаҳрамон» ва «Сул-тон» навларида 8-9, «Бухоро-102» на-вида 7-8 туп, қатор ораси 60 см. бўлганда «Наманган-77» навида 6-7, «Бухоро-102» навида 5-6 туп кўчат қолдириш зарур. Унумдорлиги паст, қумоқ ерларда кўчат қалинлигини 20 фоизгacha кўп қолдириш ҳамда қўшқатор экилганда кўчат қалинлигини 30-35 фоиз оширилиши мақсадга мувофиқ.

Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида «С-4727», «Чимбой-5018», «Дўстлик-2», «Мехнат», «Хоразм-127», «Хоразм-150» ҳамда «Ибрат» рўза навларини яганалашда, унумдорлиги юқори ерларда 90-100, ўртача унум-дор тупрокларда 100-110, унумдорли-ги паст ерларда 110-120 минг туп кўчат қолдирилади. «Бухоро-102» ғўза навлари кўчат қалинлиги унумдор ерларда 85-90, ўртача унумдор ерларда 95-100, унумдорлиги паст тупроқдар-да 100-110, «Омад» ғўза навида эса 100-120 минг туп кўчат қолдириш тав-сия этилади. Кўшқатор экилган майдонларда навнинг морфо-биологик ху-сусиятидан келиб чиқсан ҳолда, кўчат қалинлиги гекгарига 140-160 минг туп атрофида бўлиши лозим. Яганалашда «Бухоро-102» ғўза навида «Мехнат» ва «Хоразм-127», «Хоразм-150» ва «Ибрат» навларига нисбатан 5-10 фоиз камроқ кўчат қолдирилишига эътибор бериш керак. Шўрланган ерларда яганалаш пайтда 10-15 фоиз кўпроқ кўчат қолдириш лозим. Чунки ғўзанинг ўсиш даври давомида тузларнинг юзага кўтарилиши туфайли ниҳоллар нобуд бўлиши ҳоллари кузатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кузиева С. Фракционный и аминокислотный состав рибосомальных белков клеточных структурах хлопчатника // Архив Научных Публикаций JSPI. – 2020.
2. Ruzieva M. B., Sultashova O. G. Weather and Cotton Boll Ripening in Uzbekistan. Nature and Science. 2022, 20(12). – P. 8-12.